

Муносиб тақдирлов

Ҳар бир таълим муассасасида ўзининг шижаоти ва илмий салоҳияти билан эътиборга молик устозлар бўлади. Уларнинг меҳнатлари, илм-маърифат ва таълим соҳасида чеккан заҳматларини муносиб тақдирлаш ҳукуматимиз томонидан яхши йўлга қўйилган. Чунки мукофот ва унвонлар дуч келган кишига, кимнингдир хоҳишига қараб эмас, балки қилган ишига, ютуқларига қараб берилади.



Таълим муассасамизда ўзининг хизматлари, тинимсиз фаолияти ва эришган ютуқлари билан алоҳида ажralиб турган иккита устозни институтимизнинг Биринчи проректори Баҳодир Суюнович Мирзаев самимий табриклари билан қутлади. Бугунги Ректорат кенгashiда даставвал, академик Мирзиёд Мирсаидов Президентимиз қарорига мувофиқ "Дўстлик" ордени билан мукофотланди. Шунингдек, проректор Тоҳир Султонов Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг «Инновацион ғоялар етакчиси» кўкрак нишони билан тақдирландилар. Устозларни ушбу юксак мукофот билан чин дилдан табриклаймиз ва келгуси фаолиятларига улкан омад ва зафарлар тилаб қоламиз.

ТИОХММІ матбуот хизмати